## Ижтимоий ҳимоя

# АСЛИ ДУНЁ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН

**Пешку туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг туман ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тутган ўрни сезиларлидир. Қуйида белгиланган режа асосида иш олиб бораётган мазкур уюшма касабақўми раиси Ахтам ХОЛОВнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

— Энг аввало йил бошида ишни икки томонлама имзоланган жамоа шартномаларининг қандай бажарилаётганлигига эътиборни қаратдик. Унинг ҳар бир банди хусусида касабақўм етакчилари ва маъмурият вакилларининг ахборотлари тингланиб, атрофлича муҳокама этилди. Шу билан бирга, ўтган йил амал қилган жамоа шартномаси ижроси ҳам алоҳида назоратда бўлди. Масалан, унда ишловчилар учун 117 та имтиёз бериш кўзда тутилган эди. Йил давомида иқтисодий аҳволи ночор оилалардан 38 тасига мақсадли ёрдам уюштирилди. Битта оилага вилоят, учтасига туман, 14 тасига касаба уюшма қўмиталари маблағлари, қолган 20 та оилага хўжалик ва ташкилотлар ҳисобидан тегишли ёрдам кўрсатилди.

Ночор оилаларнинг ўқувчи фарзандларига 90 минг сўмлик дарсликлар олиб берилди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда беш нафар оила болаларининг суннат тўйи нишонланди. Туман ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» жамғармаси туман бўлимига 15000 сўм ўтказилди. Ҳар бир байрам арафасида ночор ва ногиронлар оилаларига бирма-бир кириб, аҳволидан хабар олинди. Совға-саломлар ташкил қилинди. «Энг ибратли келинчак» кўрик- танловида 65 нафар ёш келинчак иштирок этиб, ғолиблар туман касаба уюшмаси томонидан рағбатлантирилди. Туман халқ таълими бўлими билан «Энг яхши қишлоқ тарбиячиси» кўрик-танлови ташкил этилиб, унда 36 нафар тарбиячи иштирок этди.

Бизнингча, мазкур тадбирлар ёшлар ўртасида таълим-тарбия, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик хусусиятларини ривожлантириш мақсадлари учун хизмат қилди, дейилса муболаға бўлмас.

Яқинда бўлиб ўтган «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуидаги илмий-амалий семинарда эса «Туман хотин-қизларини ижтимоий ҳимоя қилишда касаба уюшма қўмиталарининг роли тўғрисида»ги маърузада кўпчиликнинг тили ва дилидаги амалга оширилиши зарур бўлган эзгу ишлар тилга олинди.

Шуни таъкидлаш керакки, бошланғич касаба уюшма қўмиталари қошида меҳнат низоларини кўриб чиқувчи доимий комиссия ишлаб турибди. Унинг таркибига маъмурият ва касабақўмдан тенглик асосида вакиллар киритилган. Туман касаба уюшма қўмитаси қошида эса меҳнаткашларнинг мурожаатлари билан ишлаш доимий комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Тушган мурожаатлар шу комиссия томонидан ўрганилади ва ҳал қилинади. Жумладан, ўтган йили тушган 16 та аризанинг 13 таси ижобий ҳал қилинди, меҳнат низолари билан боғлиқ бўлган аризалар эгаларига эса мазкур иш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этиш тавсия этилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи ҳам диққат марказимизда. Жамоа шартномалари ва туман ҳокими билан туман касабақўми ўртасида имзоланган битимнинг асосий қисмини тармоқ меҳнаткашларига соғлом, хавфсиз иш ва дам олиш шароитлари яратиб бериш масалалари эгаллаганлиги ҳам шундандир. Ўтган йили ушбу мақсадлар учун 10 миллион сўм атрофида маблағ сарфлангани фикримиз далилидир.

Уюшма аъзоларини соғломлаштириш масаласида муайян ишлар қилинмоқда. Йўлланмалар сўраб навбатда турганлар сони кўп. Айниқса, «Моҳи-Хоса», «Чинобод», «Турон», «Зомин» санаторийларига талаб жуда катта. 1998 йилги ёзги дам олиш мавсумида «Ёшлик» хўжаликлараро оромгоҳида 574 нафар ўғил-қиз саломатлигини мустаҳкамлади. Йўлланмаларнинг ота-оналардан олиниши керак бўлган қиймати касаба уюшмалари ва хўжаликлар ҳисобидан қопланди. Бу йилги ёзги дам олишни ташкил қилишда ҳам катта муаммоларга дуч келдик. Уларнинг асосийси - маблағ етишмаслигидир. Ачинарлиси, шу пайтгача тарбиячи ва хизматчиларнинг бир қисми ўтган мавсумда ишлаган ҳақларини ололганларича йўқ. Хўжаликларнинг оромгоҳдан қарзи кўп. Уларнинг ҳисобида пулнинг кам бўлиши, тушган пулнинг ҳам кўп қисми махсус ҳисоб рақамларига ўтиб кетиши ишимизда катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунга қарамасдан, биз қатор ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда «боши берк кўча»дан қандай қилиб чиқиш йўлларини ахтармоқдамиз. Ҳатто вилоят ҳамда туман ташкилотлари билан мавжуд вазиятни ўнглаш юзасидан фикрлашиб, тегишли маслаҳатлар, тавсия ва таклифлар устида ишламоқдамиз. Бошланғич ташкилотларга баҳоли-қудрат кўмак бериши мумкин бўлган ҳомийларни аниқлаяпмиз.

Хуллас, ўтирган бўйра, юрган дарё деганларидек, изланишларимиз оз бўлса-да ўз самарасини беришига ишониб ҳаракат қилаётирмиз.

Жорий йилда спорт ва маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш масаласи жиддий қилиб қўйилди. Чунки уларсиз тармоқда кўнгилдагидек самарани қўлга киритиш қийин. Туман ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан биргаликда «Отам-онам ва мен спортчилар оиласиданмиз» шиори остида оилалар ўртасида ўзаро мусобақани ўтказдик. Унда Навоий номли, «Янгиобод», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари вакиллари бўлиб қатнашган оилалар фахрли уч ўринни эгаллашди. Туман «Футбол клуби» билан келишиб, жамоа хўжаликлари ва ташкилотлар ўртасида футбол бўйича беллашувларни ташкил қилдик. Шунингдек, ёшлар ўртасида Миллий кураш бўйича туман биринчилиги ҳам муваффақиятли ўтди. Вилоят мусобақаларида туманимиз шарафини ҳимоя қилган «Янгиобод» жамоа хўжалиги спорт йўриқчиси Тўра Шоев оиласи фахрли ўринни эгаллади. Шунингдек, туманимиз марказидаги «Пахтакор» ўйингоҳида маблағ йўқлиги сабабли айрим тадбирлар амалга ошмаётган эди. Ҳокимлик аралашиб, 203 минг сўмлик маблағ билан ёрдам бергач ишлар юришиб кетди. Шу билан бирга ушбу ўйингоҳда 2 та теннис корти ҳам қурилди.

Туман миқёсида белгиланган тадбирларимиздан хотин-қизлар ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оила ташвишларидан холи бўлишлари учун иш жойларида энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериш, саломатликларини муҳофаза этиш ва талаб-эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда дам олишларини таъминлаш масалалари ҳам муносиб ўрин олган. Ана шу сингари вазифаларнинг ҳаётийлигига эришиш мақсадида бошланғич ташкилотлар қандай ишлар олиб бораётганини бешта жамоа хўжалиги касабақўм йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиб борамиз ва аниқ ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз. Чунки йўлбошчимиз Ислом Каримов айтганларидек: «Инсонларни ҳимоялаш, боқиш, зарур товарлар билан таъминлаш ва энг муҳими, уларнинг қалбида келажакка ишонч уйғотиш қуруқ ваъдалар ва жарангдор баёнотлар билан амалга ошмайди».

## Касаба уюшма ҳаёти: ҳисобот ва сайловлар

# МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАД

**Касаба уюшма ташкилоти ўтган беш йил давомида ўқув ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маиший хизмат шароитларини яхшилаш, соғломлаштириш ва дам олишни ташкил этиш, талаба, ўқитувчи ва ишчи-хизматчиларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан фаол шуғулланди. Қўмита ҳузурида «Меҳнат низолари»,«Соғломлаштириш»,«Талабалар уйи билан ишлаш» каби комиссиялар тузилди.**

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 -мартдаги Қарорига мувофиқ меҳнат шартномасининг ягона йўналиши тасдиқланиши муносабати билан консерватория хусусиятидан келиб чиқиб меҳнат шартномасининг намунавий шакли ишлаб чиқилди.

Қайси ташкилотда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилса, ўша ерда иш сифати, фаолият даражаси юқори бўлади. Шу сабабдан ҳам ўқув юрти касаба уюшма ташкилоти бу масалага катта эътибор бермоқда. Бу борада турли тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар амалга оширилмоқда.

Касаба уюшма ташкилоти ва раҳбарият шерикчилик тамойиллари асосида фаолият кўрсатмоқда. Иш ҳақи, пенсия, стипендияларни белгиланган вақтларда тўлаш учун барча чоралар кўрилмоқда. Жамоани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бу йил 504 кишига 1 миллион 700 минг сўмликдан кўпроқ, беш йил давомида эса олти ярим миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам пули берилди.

Ўтган беш йил давомида жамоа аъзолари саломатлигини тиклаш, дам олишни яхши ташкил этиш мақсадларида даволаниш ва ҳордиқ чиқариш масканларига 181 та, яъни салкам уч миллион сўмлик йўлланма сотиб олинди. Шу жумладан 38 нафар кам таъминланган ходим ва талабаларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Салкам уч юз киши парҳез таом йўлланмалари билан таъминланди, шу жумладан 44 талабага йўлланмалар бепул берилди.

Касаба уюшма қўмитаси студентларнинг «Чимён»,«Кумушкон»,«Қизил сой», «Сумча» дам олиш масканларига оммавий чиқишлари уюштирилди.

- Касаба уюшма ташкилоти,-деди Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Лутфуллаев ҳисобот маърузасида,- маданий-оммавий, аҳлоқий-тарбиявий, ўқув-ижодий йўналишида фаол қатнашиб, жамоа ташкилотлари, факультетлар деканатлар, кафедралар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жамоанинг турли тадбирларини ўтказишда моддий, ташкилий жиҳатдан ёрдам бермоқда. Айниқса, ёшлар тарбияси юзасидан фаоллик кучайтирилмоқда.

Ҳар йилги Мустақиллик, Наврўз айёмлари, «Хотира ва қадрлаш куни» каби байрам тадбирларини, учрашувлар, турли ижодий кечаларни ташкил этиш ва ўтказишда касаба уюшма ташкилоти доимо муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Яхши анъанага айланиб бораётган, ҳозирда республика миқёсида ўтказилаётган Халқ чолғу оркестлари, хор ва ғижжак фестиваллари кенг миқёсда ўтказилиб ўз мухлислари ва шинавандаларига эга бўлмоқда, катта тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Бу ишларда ҳам касаба уюшма фаолларининг моддий ва маънавий ҳиссаси оз эмас. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам ҳар йили бўлиб ўтадиган «Ғижжак фестивали» ҳамда турли хилдаги танловлар учун маблағлар ажратмоқда.

«Аёллар йили» муносабати билан ва касаба уюшма қўмитаси 326 хотин-қизни моддий рағбатлантирди, бир қатор аёлларга намунали ишлари учун ташаккурномалар эълон қилинди.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар ўқув-ижодий йўналиши билан боғлиқ ишларга яқиндан кўмаклашиш, ёшлар тарбияси юзасидан деканатлар билан алоқани мустаҳкамлаш, жамоани ижтимоий ҳимоялаш, талабалар уйида қулай шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, камчиликларни танқид қилдилар. Масалан, факультетлар касаба уюшмаларида талаб даражасидаги фаоллик сезилмаяпти. Талабаларнинг меҳнат интизоми, моддий шароитлари билан етарли шуғулланилмаяпти.

Консерватория биносидаги ошхонада тайёрланаётган таомлар нархи баланд ва сифати кўпчиликни қониқтирмаяпти. Ушбу масала касаба уюшмаси томонидан ўрганиб чиқиш, келажакда ошхонани хусусий йўналишда ташкил этиш, миллий таомлардан кўпроқ тайёрлаш ва нархларни арзонлаштириш ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Нотиқлар жамоанинг ҳуқуқий билимини ошириш ва бу мақсадда мунтазам лекция ва суҳбатлар, турли тадбирлар уюштириш замон талаби эканлигини билдирдилар. Ходимларни йўл чипталари билан таъминлаш лозимлиги ҳам таъкидланди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан профессор Ғани Тўлаганов, консерватория хотин-қизлар бирлашмаси раиси Фазилат Шукурова, доцент Мурод Тошмуҳамедов, профессор Ашур Назаров ва бошқалар касаба уюшма фаоллигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ҳуқуқий ва меҳнат маданиятини ошириш, соғломлаштириш ва дам олишни ташкил этиш, кам таъминланганларни моддий қўллаб-қувватлаб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Будир ПЎЛАТОВ.**




## Қрим

# МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИДА

**ДУШАНБЕ**. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, Тожикистон ички ишлар вазирлиги ходимлари Душанбе шаҳрида бир неча кишидан иборат гиёҳванд моддаларни ташиш билан шуғулланган гуруҳни қўлга туширган. Оғу ташувчилардан умумий миқдори 10 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланадиган тоза героин моддаси тортиб олинган. Айни пайтда уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

* * *

**ОСТОНА**. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабардан маълум бўлишича, Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида қалбаки пул ясовчи икки киши қўлга олинган. Уларнинг ёнидан 88.700 АҚШ доллари миқдоридаги қалбаки пул топилган. Қозоғистон ички ишлар вазирлиги ходимларининг билдиришича, қалбаки долларларни бир қарашда ҳақиқийсидан фарқлаш қийин, уларни махсус текширув асбоблари орқалигина аниқлаш мумкин экан. Пухталик билан ишланган қалбаки валютани пул алмаштириш шохобчасидагилар алмаштириш жараёнида сезиб қолишган ва шу заҳоти тегишли органларга хабар қилишган. Товламачилар тезда қўлга олинган ва айни пайтда суриштирув ишлари олиб борилаётир.

* * *

**БИШКЕК**. Қирғизистон ҳукумати мамлакатда электр-энергия муаммоларини бартараф этиш учун тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Хусусан, мамлакатдаги айрим электр мажмуаларини хусусийлаштириш ва уларни замонавий технологиялар билан таъминлашга қарор қилинди. Шу боис Европа тикланиш ва тараққиёт банки Қирғизистон энергия мажмуини хусусийлаштириши учун ёрдам беришга тайёрлигини билдирган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатдаги энергия-таъминот мажмуини такомиллаштириш учун 600 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ зарур экан.

**(ЎзА)**

## Касабақўм кўп ишга қодир

# БУ ҚАДИМ ЙЎЛЛАР

### хатирчилик йўлсозлар иқтисодий жиҳатдан катта самарага эришаётирлар

Айрим ҳолларда йўл қурилиш корхоналари катта ҳажмдаги ишларни бошлашади-ю, охирига етказа олмай қарзга ботиб, қийин аҳволга тушиб қолишади. Хўш, бундай корхонанинг иқтисодий аҳволи қандай бўлади?

Биз ана шу савол билан Хатирчи туман автомобил йўллар бошқармасига бордик. Бошқарма иш фаолияти уч йил илгари қониқарсиз аҳволда, раҳбарларга ёлчимай, жамоада уюшқоқлик ва тадбиркорлик етишмасди. Кўплар ўзи бўларчилик кайфиятида эди.

Мана, бугун эса корхона шаънига туман аҳлидан миннатдорчилик билдирилаяпти. Йўлсозлар ҳамжиҳатлик ва тадбиркорлик асосида иш юритиб, корхонани иқтисодий тангликдан олиб чиқиш чораларини излади. Бунинг учун қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келди.

Бошқарма тасарруфида 428 километр масофадаги йўл мавжуд. Ана шу йўлларни равон ва соз қилиб таъмирлаш, улар атрофини кўкаламзорлаштириш бугун ҳар бир йўлсознинг асосий мақсадига айланган. Ўн бир ой ичида 72 километр масофадаги йўл таъмирланди.

Лангар тоғ йўналишида сел туфайли иккита катта кўприк шикастланганди, уни тузатишга эса 30 миллион сўм маблағ сарфланди.

Корхонанинг ўзида асфалт-бетон ишлаб чиқариш цехи мавжуд. Шу жиҳатдан ҳам уларнинг ишида узилиш бўлмай белгиланган муддатда режалар бажарилмоқда. Корхона маъмурияти бу йил 172 километр масофани таъмирлашни ўз зиммасига олган. Бунинг учун 120 миллион сўм маблағ ажратилди.

Йўлсозлар Эшмурод Абдиев, Абдураҳмон Пўлатов номли жамоа хўжаликлари ҳудудида шаҳар типидаги янги йўл қурилишини бошлаб юбордилар. Айни пайтда ана шу ишнинг 60 фоиздан ортиғи бажарилди. Шуниси эътиборга лойиқки, туман хокимининг қарори билан улар ихтиёрига минтақавий асосий йўл ёқасидан 52,8 гектар майдон ажратилди. Шунинг асосий қисмига манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Корхонада ишчилар яхши иш ҳақи олишмоқда. Ҳар чоракда белгиланган иш режаси ортиғи билан бажарилганлиги алоҳида таҳлил этилиб, илғорлар 15 минг сўмгача мукофотга сазовор бўлишмоқда. Амалдаги йилда ишчиларга 750минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.

**Воси НОСИР,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Ислоҳот сабоқлари

# ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗ

### бу муаммони ҳал этиш йўллари қандай?

**Мустақилликка эришганимиздан сўнг, республикамизда барча соҳалар сингари иқтисодиётимизда ҳам кўплаб ижобий ўзгаришларга эришилди. Аммо эришилган муваффақиятлар билан бирга ҳали ечимини топмаган қатор камчиликларимиз мавжуд.**

Қурилаётган бир қанча чора-тадбирларга қарамай, бир қанча тармоқ ва корхоналарда, жумладан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимида молиявий аҳвол барқарорлигига эришилмади. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони секинлик билан камаймоқда ва улар кўраётган зарарлар миқдори ҳамон салмоқли.

Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, «...фурсат ғанимат. Яқин орада ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий аҳволини ўнглаб олмасак, бу ҳол макроиқтисодий барқарорлик борасида қўлга киритилган ютуқларимизга ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин».

Ўзаро тўловлар муаммосига барҳам бериш вазифаси ҳали тўлалигича ҳал этилмади. Ҳамон муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажми кўплигича қолмоқда. Биз айнан фикр юритмоқчи бўлган масала ҳам шу ҳақдадир.

Хўш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг олдини олса бўладими?

Дебиторлик ва кредиторлик масалалари иқтисодиёт учун, айниқса, ўтиш даври учун янгилик эмас. Қаердаки ишлаб чиқариш муносабатлари мавжуд экан, бундай қарзлар озми-кўпми, уларнинг муддатлари қисқами-узоқми, амал қилади. Лекин, уларнинг тўлов муддатлари ўтказиб юборилган, яъни умидсиз қарзларга айланган қисмининг ортиб бориши корхоналар молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келиши ва охир-оқибатда макроиқтисодий даражадаги беқарорликни келтириб чиқариши мумкин. Мана шу нарса бизни сергакликка чорламоқда ва зарур чора-тадбирларни белгилашимизни тақозо этмоқда. Бугунги кунда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари масаласини кўтаришнинг асосий сабаби шундаки, унинг асосий тармоқлардаги улуши кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, муддати ўтган қарзлар катта ташвиш уйғотяпти.

Ушбу масалада матбуотда бир қанча чиқишларга қарамай, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари баҳс мунозаралигича қолмоқда. Мишель Дестресс айтиб ўтганидек, «...ғарам-ғарам нотўловлар ҳосил бўлди, бугунги кунгача ҳеч кимда бу ҳолатдан қандай чиқиш керак, деган саволга бир хил жавоб йўқ». Лекин, сир эмаски, бизга тегишли масалани четдан келиб ҳеч ким ечиб бермайди. Бунинг учун ўзимиз ҳаракат қилишимиз керак. Бизнинг фикримизча, республикамизнинг ўтиш даври иқтисодиётида нотўловларни юзага келтираётган сабабларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.

Улардан бири технологик сабаблардир. Яъни, саноатнинг қайта ишловчи соҳаларидаги технологияларнинг қолоқлиги, меҳнат унумдорлиги ва меҳнат қуроллари билан таъминланишнинг пасайиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, материаллар ҳажмининг ортиб кетиши ва амал қилаётган коммуникация системасининг (сув, энергетика, транспорт) фойдалилик даражаси каэффицентининг пастлиги шулар жумласидандир.

Бундан ташқари бевосита иқтисодий сабаблар, яъни товарлар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқ юкининг юқори даражадалиги ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларида монополиянинг мавжудлиги, корхоналарнинг - МДҲ бўйича савдо шерикларининг оғир молиявий аҳволи, табиийки, тараққиёт йўлига муайян тўсиқ қўймоқда.

Бу муаммоларни бирдан ҳал қилиш қийин, албатта. Бундай шароитда шубҳасиз иқтисодиётни ислоҳ қилишда танлаб олинган беш тамойилнинг бири - давлат бош ислоҳотчи эканлиги қўл келмоқда. Шу йўналишда чиқарилган Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари натижасида тўлов оборотидаги интизом мустаҳкамланди, раҳбарларнинг масъулияти оширилди, катта миқдордаги нотўловларнинг олди олинди. Лекин, масала ҳозирча тўлалигича ҳал қилингани йўқ.

Бизнинг фикримизча, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларга қўшимча равишда бир қатор вазифаларни киритиш даркор.

Жумладан, биринчи навбатда, кадрларни профессионал даражада тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш лозим. Чунки, барча муаммоларни ҳал этиш кадрларнинг профессионал тайёргарлигига ва қобилиятига, ишга нечоғлик масъулият билан ёндошишига, замонавий менежмент, маркетинг сир-асрорларини қанчалик эгаллаб олганига, янги бозор шароитида ишлай билиши, мустақил қарор қабул қилиши, зарур бўлганда жасорат кўрсатишига ҳам боғлиқ.

Бартер қилаётган маҳсулот қийматидан бюджетга тўланиши керак бўлган суммани пул ўтказиш шарти билан қайтадан йўлга қўйиш ҳам иқтисодий соғломлатириш омилларидан бири ҳисобланади. Бу операция туфайли бир вақтнинг ўзида ҳам бюджетга тушум тушади, ҳам корхона ўзи учун зарур маҳсулотга эга бўлади.

Шунингдек, бозор омборда сақланаётган харидоргирсиз, сифати паст маҳсулотларни улгуржи ярмаркаларда ҳамда хом ашё ва товар биржаларида (арзонлаштирилган нархларда) сотишни кенгайтириш ва айрим маҳсулотлар нархини қайта кўриб чиқишни ҳам тақозо этади.

Зарар кўриб ишлаётган, тўловга қобилиятсиз корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш йўли билан ишлаб чиқариш фаолияти йўналишларини ўзгартириш, бозор талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун тез мослашувчан янги технологияларни жорий қилиш, айланма маблағлар етишмаётган корхона ва ташкилотлар қарамоғида бўлган ижтимоий соҳа муассасаларини (болалар боғчалари, шифохоналар, соғломлаштириш комплекслари) тегишли маҳаллий ҳокимиятлар тасарруфига ўтказиш ҳам иқтисодиётни соғломлаштиришга хизмат қилади. Яна бир омил борки, бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ. Чунки, у иқтисоднинг барча соҳаларини хом ашё билан таъминловчи етакчи манбаа ҳисобланади. Уни иқтисодий жиҳатдан ривожлантирмай туриб тараққиётимизни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Юқорида келтирилган барча тадбирлар муштарак ҳолда ва ҳукуматимизнинг бевосита амалий раҳбарлигида амалга оширилгандагина тўлов оборотидаги муаммоларни, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни, корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш мумкин.

**Назиржон ХАЙИТАЛИЕВ.**

